

Ҳеч нарса Аллоҳнинг исмидан оғир келмайди



08:00 / 31.08.2020 3758

Пайғамбар алайҳиссалом шундай дедилар: «Қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла умматимдан бир кишини халойиқ олдига чиқаради. Унинг олдида (гуноҳлар ёзилган) тўқсон тўққиз дафтар очилади. Уларнинг ҳар бири кўз кўрадиган масофачалик (узун) бўлади. Аллоҳ таоло унга: «Булардан бирортасини инкор қиласанми?» дейди. У: «Йўқ, Раббим», дейди. «Сенга ҳофиз ёзувчиларим (фаришталар) зулм қилишдими?» дейди. У: «Йўқ, Раббим», дейди. «Бирор узринг ёки яхшилигинг борми?» деб сўрайди. «Йўқ, Раббим», дейди. Аллоҳ азза ва жалла: «Бизнинг ҳузуримизда сенинг бир яхшилигинг бор. Бугун сенга зулм қилинмайди», дейди ва унга бир ёрлиқ чиқариб беради. Ёрлиқда «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулulloҳ» деб ёзилган бўлади. «Тарозига ўлчашга ҳозирлан», дейди Аллоҳ таоло. Банда: «Раббим, бу ёрлиқ қаерда-ю, мана бу дафтарлар қаерда?» дейди. Аллоҳ: «Сен бугун зулм кўрмайсан», дейди. Дафтарлар тарозининг бир палласига, калимаи шаҳодат ёзилган ёрлиқ эса иккинчи палласига қўйилади. Шунда ёрлиқ қўйилган тараф оғир келиб, банданинг гуноҳлари кечирилади. Ҳеч нарса Аллоҳнинг исмидан оғир келмайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан